

## Россия Федерацияси

РОССТАНДАРТ расмий сайти материаллари бўйича  
[www.gost.ru](http://www.gost.ru)

Россия Федерациясида техник тартибга солиш ва метрология бўйича идораси техник тартибга солиш ва метрология бўйича Федерал агентлиги (РОССТАНДАРТ) ҳисобланади, у давлат метрологик текширув ва назоратини амалга оширади, шунингдек миллий стандартларнинг мажбурий талаблари ва техник регламентларга риоя қилишини назорат қилади.

РФ нинг “Техник тартибга солиш тўғрисида” ги Федерал Қонуни маҳсулот ва бошқа объектлар, ишлаб чиқариш, қўллаш, сақлаш, ташиш, реализация ва утилизация қилиш, ишни бажариш ёки техник регламентлари, стандарт қоидалари ва шартнома талаблари бўйича хизмат кўрсатиш процесслари мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжат сифатида мувофиқликни тасдиқлашни аниқлайди.

Россия Федерацияси ҳудудида мувофиқни тасдиқлаш ихтиёрий ёки мажбурий бўлиши мумкин.

### Мувофиқликни мажбурий тасдиқлаш

“Техник тартибга солиш тўғрисида” ги Федерал Қонунига мувофиқ мувофиқликни мажбурий тасдиқлаш Россия Федерацияси ҳудудида муомалага чиқарилган маҳсулотга нисбатан амалга оширилади. Мувофиқликни мажбурий тасдиқлаш мажбурий сертификатлаштириш ва мувофиқликни декларация қилиш шаклида амалга оширилади. Россия Федерациясининг миллий қонунчилиги доирасида мажбурий сертификатлаштириш амалдаги тизимнинг маҳсулотларига эга мувофиқликни мажбурий тасдиқлаш объектлари аниқланган:

- мувофиқ техник регламентлар кучга киргунига қадар –Россия Федерациясининг [982-сонли 01.12.2009-йилда](#) тасдиқланган “Сертификатланиши мажбурий бўлган маҳсулотларнинг ягона рўйхати ва мувофиқлик ҳақида декларацияни қабул қилиш шаклида амалга оширилган маҳсулотнинг ягона рўйхатини тасдиқлаш ҳақида” ги қарори билан тасдиқланган мувофиқликни мажбурий тасдиқлаши лозим бўлган маҳсулотнинг ягона рўйхатлари ( мувофиқликни мажбурий сертификатлаштириш ва декларация шаклида).

- техник регламентлар билан белгиланган мувофиқ кучга кирган техник регламентларга нисбатан маҳсулотлар учун.

Мувофиқлиги тасдиқланиши мажбурий бўлган (миллий қонунчилик доирасида) маҳсулотнинг ягона рўйхати ҳозирги кунда мажбурий сертификациянинг амал қилаётган объектларга эга. Мажбурий тасдиқлаш меъёрий базасининг миллий техник регламентларига мувофиқлигини миллий стандартлар, ёки қоидалар мажмуи ташкил қилади, уларнинг ихтиёрий қўлланиши натижасида техник регламентлар талабларига риоя қилиш таъминланади.

Мувофиқлиги тасдиқланиши мажбурий бўлган маҳсулотларни Россия Федерациясининг божхона ҳудудига олиб кириш қоидалари [53-сонли 07.02. 2008 йилдаги Россия Федерацияси Хукуматининг “Мувофиқлиги тасдиқланиши мажбурий бўлган маҳсулотларни Россия Федерациясининг божхона ҳудудига олиб кириш ҳақидаги”](#) (2010 йил 8 –декабрь куни ўзгаришлар киритилган) Қарори билан тасдиқланган ва кучга кирган миллий техник регламентлари (ушбу Қоидаларнинг 2-банди) асосида Россия Федерацияси Хукуматининг қарори билан тасдиқланган мувофиқлиги мажбурий тасдиқланиши керак бўлган маҳсулот Рўйхатига киритилган маҳсулотларга тегишли.

ГОСТ Р сертификатлаштириш тизими [1490 сертификатлаштириш идораларини](#) ва [3550 синов лабораторияларини](#) бирлаштиради ( 06.07.2011 йил

ҳолати бўйича). ГОСТ Р сертификатлаштириш тизими ўзининг мувофиқлик сертификати ва мувофиқлик белгисига эга.

Мажбурий сертификатлаштириш объектлари миллий техник регламентлари кучга киргунга қадар РФ Ҳукуматининг 982- сонли 2009-йил 1 декабрьдаги “Сертификатланиши мажбурий бўлган маҳсулотларнинг ягона рўйхати ва мувофиқлигининг тасдиқланиши мувофиқлик декларациясини қабул қилиш шаклида амалга ошириладиган маҳсулотларнинг ягона рўйхати” Қарори билан тасдиқланган “Сертификатлаштирилиши мажбурий бўлган маҳсулотларнинг ягона рўйхати билан” аниқланган.

Ишлаб чиқарувчи (сотувчи) мажбурий сертификатлаштириш ўтказилиши учун ариза билан аниқ маҳсулотни сертификатлаштириш бўйича ишларни ўтказиш ҳуқуқига аккредитатлаштирилган ихтиёрий сертификатлаштириш идорасига мурожаат қилиши мумкин.

Россия Федерациясида миллий техник регламентлари кучга киргунга қадар маҳсулот сертификатланишининг ўтказилиш тартиби ва процедуралари 15-сонли 21.09.1994-йилда тасдиқланган РФ Давстандартнинг тасдиқланган Низомида (ўзгартириш ва қўшимчалар билан) белгиланган.

### **Ҳорижий ишлаб чиқарувчи**

#### **Мувофиқлик сертификатини олиш учун ҳужжатлар**

- Маҳсулот тавсифи (материал, қўлланиш доираси, артикул ёки савдо маркалари)
- Ишлаб чиқарувчи ҳақида маълумот (ишлаб чиқарувчи номи ва манзили);
- Санитар-эпидемиологик ҳулосалари (агар мавжуд бўлса);
- Ариза берувчи ширкат реквизитлари
- Ариза

#### **Контракт бўйича етказиладиган ҳориждан импорт қилинадиган маҳсулотларга**

- Солиқ идорасига рўйхатга тургани ҳақидаги гувоҳнома (СТИР)
- Рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома (ОГРН)
- Статистика кодлари
- Корхона устави (биринчи учта ва охириги вароқлар).
- Етказиб бериш шартномаси;
- Маҳсулот тавсифи (материал, қўлланиш доираси, артикул ёки савдо маркалари)
- Ишлаб чиқарувчи ҳақида маълумот (ишлаб чиқарувчи номи ва манзили);
- Санитар-эпидемиологик ҳулосалари (агар мавжуд бўлса);
- Ариза берувчи ширкат реквизитлари
- Ариза.

Мувофиқлик декларацияси объектлари РФ Ҳукуматининг 982- сонли 1 декабрь 2009-йилдаги “Сертификатланиши мажбурий бўлган маҳсулотларнинг ягона рўйхати ва мувофиқлик декларациясини қабул қилиш шаклида амалга ошириладиган маҳсулотларнинг ягона рўйхати” Қарори билан тасдиқланган аниқланган.

Мувофиқликни декларация қилишда аризачилар юридик ёки жисмоний шахслар Россия Федерациясининг ҳудудида қонунчиликка мувофиқ рўйхатга олинган ягона корхона эгаси, ишлаб чиқарувчи ёки сотувчи, ёки етказиб берилаётган маҳсулотга мувофиқ таъминлаш қисмидаги шартнома асосида ҳорижий ишлаб чиқарувчининг функцияларини бажарувчи шахс сифатида бўлиши мумкин.

Мувофиқликни декларация қилиш қўйидаги схемаларнинг бири бўйича амалга оширилади:

- шахсий исботлар асосида мувофиқлик декларациясини қабул қилиш;
- шахсий исботлар, сертификатлаштириш идораси ёки аккредитланган синов лабораторияси (марказнинг) (кейинчалик учинчи томон) иштироки асосида мувофиқлик декларациясини қабул қилиш;

Техник регламентлар талабларига мувофиқлик декларацияси мувофиқлик декларациясининг ягона реестрини тузиш ва киритиш Низоми, мувофиқлик декларациясини рўйхатга олиниши, 1028- сонли 25.12.2008-йилдаги Россия Федерациясининг Қарори билан тасдиқланган тўлов ҳақидаги маълумотларни тақдим қилиш декларацияларига мувофиқ амалга оширилади.

Россия Минпромэнергонинг [54-сонли 22.03.2006 йилдаги](#) “Техник тартибга солиш тўғрисидаги” Федерал қонунини ижросини таъминлаш мақсадида у маҳсулотнинг техник регламентлар талабларига мувофиқлик [декларацияси шаклини](#) тасдиқлади.

Маҳсулотнинг техник регламентлар талабларига мувофиқлик декларациясининг шаклини рўйхатга олиш тўғрисидаги [ариза шакли](#) 151-сонли 19.03.2009 йилдаги Россия Минпромторг буйруғи билан тасдиқланган.

Маҳсулотнинг техник регламентлар талабларига мувофиқлик декларациясининг амал қилиши ариза берувчининг қарори бўйича тўхтатилганлиги ҳақидаги [хабарнома шакли](#) рўйхатга олиш тўғрисидаги ариза шакли 151-сонли 19.03.2009 йилдаги Россия Минпромторг буйруғи билан тасдиқланган.

Маҳсулотнинг техник регламентлар талабларига мувофиқлик декларациясининг шакли давлат назорати идораси томонидан тўхтатилганлиги ёки тугаганлиги ҳақидаги [хабарнома](#) 741-сонли 12.08.2009 йилдаги Россия Минпромторг буйруғи билан тасдиқланган.

### **Мувофиқликни ихтиёрий равишда тасдиқлаш**

Мувофиқликни ихтиёрий тасдиқлаш ихтиёри сертификатлаштириш шаклида амалга оширилади. Ихтиёрий сертификатлаштириш ариза берувчининг ташаббуси билан миллий стандартлар, ташкилот стандартлари, ихтиёрий сертификатлаштириш тизими, шартнома шартларига мувофиқликни белгилаш учун ариза берувчи ва сертификатлаштириш идораси ўртасида тузилган шартнома шартлари асосида амалга оширилади.

Ихтиёрий сертификатлаштириш объектлари маҳсулотлар, ишлаб чиқариш жараёнлари, қўллаш, сақлаш, ташиш, реализация ва утилизация қилиш, иш ва хизматлар, шунингдек стандартлар, ихтиёрий сертификатлаштириш тизимлари ва шартномаларга нисбатан белгиланадиган талабларнинг бошқа объектлари бўлиши мумкин.

Ихтиёрий сертификатлаштириш тизими юридик шахс ёки шахсий корхона эгаси ёки бир нечта юридик шахслар ёки хусусий корхона эгалари томонидан тузилиши мумкин.

Ихтиёрий сертификатлаштириш тизими техник тартибга солиш бўйича ижро ҳукуматининг федерал идораси томонидан рўйхатга олиниши мумкин. РОССТАНДАРТ низомига мувофиқ Федерал агентликка [ихтиёрий сертификатлаштириш тизимларининг рўйхатга олинган ягона реестрини олиб бориш](#) топширилган.

“Технику тартибга солиш тўғрисидаги” федерал қонуннинг қоидаларини амалга ошириш мақсадида ихтиёрий равишда сертификатлаштириш

қисмида [Россия Федерацияси Ҳукуматининг 32-сонли 23.01.2004 йилдаги “Ихтиёрий равишда сертификатлаштириш тизимини рўйхатга олиш ва рўйхатга олиш учун тўлов миқдори тўғрисида” ги Қарори](#) қабул қилинган (2005 йил 2 августда, 2008 йил 8 декабрьда ўзгартиришлар киритилган).

Бу ерда сиз [ихтиёрий равишда сертификатлаштириш тизимининг ҳужжатларини расмийлаштириш бўйича тавсиялар](#) билан танишингиз мумкин.

Ихтиёрий равишда сертификатлаштириш тизимини рўйхатга олиш учун тўловлар бир минг рубль миқдорида белгиланган – [тўлов топшириғининг намунаси](#).

### **Сертификатларнинг ўзаро тан олиниши**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Россия Федерациясининг Ҳукумати ўртасидаги 1993 йил 22 декабрда Москва шаҳрида имзоланган стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳаларида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Битимига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг аккредитатлаштирилган стандартлаштириш идораслари томонидан берилган сертификатлар Россия Федерациясининг ҳудудида белгиланган тартибда тан олинади.